



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1999 йил 25 август, чоршанба

№ 68 (11.151)

Эркин нарҳда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ ЧЎЛПОННИ «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий озодлик учун кураш йилида кўрсатган матонати ва буюк хизматлари, ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 1999 йил 24 август.

МЕНГА СУЗ БЕРИНГ

ИСТИҚЛОЛ: ВАТАН, ИЙМОН, ЭЪТИҚОД

1. Ўзбекистон мустақилликка эришганига саккиз йил тўлади. Келинг, истиқлолнинг илк кўнарига қайтайлик. Ушанда дилингиздан қандай ўйлар келган эди?
2. Сизнингча инсон учун энг муқаддас неъмат нима?
3. Мустақиллигимиз кўз ўнгимизда камолга етиб бораётди. Унинг янада равоқ топиши учун сиз қандай ҳисса қўяласиз?

Бизнинг сўхбатдошимиз Оҳангарон туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, туман ҳокимининг муовини Бахтихон МАДАМИНОВА:

1. Шарқда бир ривоят бор: кўзлари оғир бир кишининг кўлига нияти фосих нотавон кимса тош тутқазиб кетибди. Кўзи оғир: «Е, Оллоҳ, агар тилла бўлса шу бугундан оғир шукрона бўлсин», дебди. Буни қарангки, унинг кўлидаги тош шу заҳоти олтинга, нотавон кишининг тиллалари эса қумга айланибди.




«Қачон ўз тилимиз давлат мақомига эришдик?» — «Қачон миллий паспортимиз бўлди?» — «Қачон ўз миллий байроғимизга эга бўламиз?» — «Қачон ўзбек деган ном дунёда мағрур жарағдайди?» Шу каби саволлар неча йиллар бағримизда тўшдек турар эди. Мустақилликнинг эълон қилиниши ана шу тошни беҳисоб тиллога айлантирди. Уша лаҳзаларда мен: «Биз ҳам энди дунёда дард билан эмас, шодлик ила боқамиз. Энди ҳамма ниятларимиз ушалади. Ўзбекман, деб қўраганим тош тутқазиб кетди. Шундан бугунга келиб барча ниятларимиз ижобат бўлди. Яна бир гапим: кўпгина одамлар бойликлари билан мақтанади. Лекин ҳар бир ўзбекининг, ҳар бир ўзбекистонликнинг бебаҳо бойлиги бор. Бу — мустақиллигимиз. Уни эҳтиётла-масак, ёмон кўзлардан асра-масак, авлодлар ҳеч қачон бизни кеңирмайди.

2. Истаган ўзбекининг хонадониндан уруш нима, деб сўранг. Ҳар бир хонадонда унинг мунгли изи бор. Биров шахид отасини, биров акасини, биров укасини, то хануз умид билан кутади. Тишланган патир халигача уй тўридаги михга илинганича турган хонадонлар бор. Яқиндаги афғон урушида қанча жиғирбандларимизни йўқотдик. Қуни кечагина бўлган 16 февраль воқеалари-чи? Узи ўтиб кетган бўлса ҳам, заҳри дилимизда турипти. Тасаввур қилинг, эркаклар жанг-жадалда, барча



МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ЧИРОЙГА ЧИРОЙ ҚЎШИЛДИ



Юртимизда мустақиллигимизнинг саккиз йили ноларнинг уччалови ҳам шарқона услубда биноларни қад ростлади, боғлар яратилди, равоқ кўчаларининг узогини яқин қилмоқда. Биргина Пскент туманида шу йилнинг ўзида истиқлолнинг 8 йиллиги байрами арафасида учта ажойиб маскан қуриб битказилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, би-

ноларнинг уччалови ҳам шарқона услубда биноларни қад ростлади, боғлар яратилди, равоқ кўчаларининг узогини яқин қилмоқда. Биргина Пскент туманида шу йилнинг ўзида истиқлолнинг 8 йиллиги байрами арафасида учта ажойиб маскан қуриб битказилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, би-

Даврон АХМАД олган суратлар.

САЙЛОВ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Сайлов ва оммавий ахборот воситалари: ошқоралик ва ҳаққонийлик» мавзусида семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Наҳиддин Комиллов семинар-кеңашнинг очар экан, сайловлар жараёнининг энг ёритилиши-да оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканини алоҳида таъкидлади.

Ошқоралик ва адолат устувор бўлган жамиятда сайловлар ҳам демократик тамойиллар асосида, ҳақон андозаларига мос равишда ўтади. Бунда оммавий ахборот воситалари воқелини ҳолис ва хо-раққавоблик билан ёритиши, те-ран тахлит этиши тақозо этила-ди.

Семинар-кеңашда Марказий сайлов комиссияси аъзоси, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газе-талари бош муҳаррири А. Усмо-новнинг «Сайлов комиссияси дав-рида даврий нашрнинг ўрни», Ўз-бекистон Телерадиокомпанияси раиси А. Қўчимоғнинг «Сайловлар

МАЪНАВИЯТ — ТАРБИЯ МЕЗОНИ

Республика таълим марказида «Миллий ғоя, истиқлол мафқураси, маънавият — тарбия мезони» мавзусида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Илол Каримов асарларида миллий ғоя, истиқлол мафқураси, маънавият масалалари ва уларнинг таълим тизимидаги таъбиқ этилиши ва вазифалар» тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Шунингдек, танқид олим ва мутахассисларнинг оила тарбиясида маънавий масалалар, маънавият ва замон ки-шисини тарбиялаш, диний экстремизм ва ақидабарастликнинг келиб чиқиши ҳамда адабиёт ва умуминсоний қадриятлар ҳақи-даги маърузалари тингланди.

Тадбирда ёшларни камол топтиришда маънавий-маърифий тарбия тизimini яна-да яхшилаш, ўқувчилар бўш вақтларида олиб бориладиган ишларни уларнинг қи-зиқларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, бу борда синф раҳбари, психолог, маҳалла, жамоат ташкилотлари билан ҳам-корликда иш олиб бориш вазифалари бел-гилаб олинди.

М. ОДИЛОВА,
(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ФАРМОЙИШИ

Измит зилзиласи оқибатларини бартаф этиш бўйича кутқарув ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар ва зирлиги кутқарувчилар отряди икки hafta муддатта махсус асбоб-ускуналар ва анжомлар билан Измит шаҳри (Туркия Республикаси)га юборилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита, Давлат божхона кўмитаси зарур чиқиш ҳужжатлари ва илова қилина-диган ҳужжатларнинг божхона йиғимлари ва бож ундири-маган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши таъминлансин.
3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кутқарувчилар ва улар билан бирга жўнатиладиган асбоб-ускуналар ва анжомларни Тошкент-Истамбул-Тошкент йў-налиши бўйича махсус рейс билан етказиб берсин, хизмат кўрсатиш харажатларини компаниянинг асосий фаолияти-га киритсин.
4. Куйидагилар:
Кизил ярым ой жамияти миллий кенгашининг мурувват ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги;
жабр кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича Туркия Ишчи Банкнинг Болот бўлимидаги махсус ҳисоб рақамига умумий суммаси 200 минг АКШ доллари, шу жумладан: «Ўз-бекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан — 100 минг АКШ доллари ва «Ўзавтосаноат» уюшмаси томонидан — 100 минг АКШ доллари миқдоридagi валюта маблағла-рини ўтказиш тўғрисидаги;
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асака» бан-кининг кутқарувчилар отрядининг ишларини олиб бориш дав-ридаги хорижий валютадаги харажатларни кўрсатиб ўтил-ган банклар маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъмин-лаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловини
тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-мод-дасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайло-ви тўғрисидаги Қонунийнинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни 2000 йил 9 январь, якшанба кунига тайинлансин.
2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Прези-денти сайлови кунда овоз бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов учун тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига ҳамда
халқ депутатлари вилоят,
туман ва шаҳар
Кенгашларига сайловлар
тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-мод-дасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунийнинг 7- ва 19-моддаларига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашла-рига сайлов тўғрисидаги Қонунийнинг 19-моддасига му-вофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайловни 1999 йил 5 де-кабрь, якшанба кунига белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови бўйича битта сайлов округига сайловчилар нормаси ўртача 49,9 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депу-татлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар учун умумий бўлган сайлов участкалари ҳамда участка сай-лов комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-сига сайлов тўғрисидаги Қонунийнинг 8- ва 14-моддаларига му-вофиқ тузилиши белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИНИНГ XII СЕССИЯСИ
ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳо-кимияти тўғрисидаги Қонунийнинг 17-моддасига би-нобат ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кен-гашининг навбатдаги XII сессияси 1999 йил 27 август куни соат 10.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят ҳокими
Тошкент шаҳри,
1999 йил 24 август.

Дилдази гаплар

МИЛЛИОН ШАМЧИРОҚЛАР

РОВИЙЛАР шундоқ ривоят қилдилар: Оллоҳни-н ижтио билан юз йил умр кўрган буюк доғишма-нд умри сўнггида шоғирдларига дебди:

— Орта бир қаранглар-чи, нима кўринар экан?
— Шулар бисёр, пирн қомил, — дейишди шоғирдлар.

— Мен вақти-вакти билан сизлардан сўроқлаб тураман. Сиз шуларнинг сўнишига йўл қўйманг, — деб васият қилибди доғишмаңд.

Шундай бўлибди ҳам. Го-ҳи-гоҳида шоғирдларнинг кў-лоғига: «орта қаранглар» деган садо эшитиларкан. Шунда улар босиб ўтиган йўлга қараб миллионлаб миқтиллаб турган шуларни кўриб, сал бўлса-да, тас-кин топишар экан. Бир са-фарги савдога нима деб жа-воб беришларини билмайди қолишарди. Ортада биронта шула кўринамасмиш.

— Шуларнинг кўл босиб-ди, — дебди шоғирдлар. — Энди уни қайтадан ўт олди-риш учун қанча муддат ке-рак бўлар экан?
Бу айтганларим ривоят

(Давоми 2-бетда).

Эртага «Шарқ тароналари»

иккинчи халқаро
музика фестивали очилади

ТАРАП ЖАҲОНГА
ШАРҚ ТАРОНАСИ!

БУНДАН икки йил олдин кўхна ва навқирон Са-марқанд жаҳондаги 40дан ортиқ мамлакатдан таш-риф буронган хонанда, созанда, мусиқашунос, рақ-қосаларни ўз бағрига олган, Шарқ мусиқасининг ўзига хос марказига айланган эди. Биз ўзбеки-стонлик соҳиб талантларнинг маҳоратларига яна бир қарра тан берганиди, хорижий хонандаю со-зандаларнинг беҳиқ ижроларини дилимиз қони-қиб тингланганиди.

Айни фестивал кунлари яратилган ва янраган мад-ҳия бор овоз билан жанр-лағанди, худди бизни бир-ликка, ҳамдамликка, янги-дан-янги зафарларга чорла-гандек бўлган эди.

Шоир Усмоғ Азим ва бас-такор Дилором Омонуллоева-ларнинг ҳамкорлигида яқд махсули бўлган бу мадҳия эр-тага Самарқанд осмонини тўлдирди яна янрайди.

Утган биринчи фестивал-нинг очилишида «Буюк Ипак йўли» театрилари билан то-мошаси мана шу табаруқ йул устида жойлашган мамлакат

(Давоми 4-бетда).

Мустақиллик хорижликлар

нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОН —
ЕР ЮЗИДАГИ ЖАННАТ

МИСРЛИК олим доктор Йўхоб Аҳмад Иброҳим Ўз-бекистон Республикасининг Миср Араб Республи-касидаги элчиликсизга ўзининг бир мақоласини тақ-дим этди. Муаллиф унда мамлакатимизга қилган сафари тўғрисидаги таассуротлари билан ўртоқлаш-ган бўлиб, ушбу мақола матнини мамлакатимиз ма-буотнда чоп этилишини сўраган. Қуйида уни ўқу-вчилар эътиборига таҳрирсиз ҳавола этамайз.

Ўзбеклар юрти дунёдаги жаннатмақон ўлкалардан бири, тинчлик ва муҳаббат боғидир. Улканни бир марта зиёрат этиш шарафига муяссар бўлган киши қал-бида бу юртга нисбатан му-ҳаббат абадий қолади. Ка-мина Ўзбекистоннинг пок заминида 1998 йил июль ойидан то ноябрь ойига қад-дар истикомат этиш бахти-га муяссар бўлди. Бу улғу динёрни зиёрат этиш мени-н азалий орзу-умидларим-дан бири эди. Улканнинг ма-

(Давоми 2-бетда).

